

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурмана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2016 y.g. « 9 » июл

№ 501/8

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурман

“Каттақўрғон шаҳар Амир Темур кўчасида маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуришга рухсат бериш ҳақида”

Каттақўрғон шаҳар ҳокими номига Хирмонбоши (Б.Туропов) кўчаси 14 уйда яшовчи фуқаро Шукуров Олимджон Иззатовичнинг ёзган аризасини. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285- сонли қарорига асосан ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги танлов комиссиясининг № 1-сон баённомасини (№ 03/3-352 18.06.2016 й.) инобатга олиб. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Танлов савдолари ўтказиш комиссияси”нинг 2016 йил 18 июндаги № 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Каттақўрғон шаҳар Хирмонбоши (Б.Туропов) кўчаси 14 уйда яшовчи фуқаро Шукуров Олимджон Иззатовичга Амир Темур кўчасида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1200 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Шаҳар ҳокимлиги (Ж.Нигматуллаев) ва шаҳар бош архитектори (О.Розиков)га, танлов голиби Шукуров Олимджон Иззатович томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда танлов таклифига белгиланган муддатларда қурилиш ишлари олиб борилмаган тақдирда, танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида тузилган шартномани бекор қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилсин.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиков) ҳамда Каттақўрғон шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (У.Туропов) зиммаларига юклатилсин.
5. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (М.Жураев) га танлов голиби Шукуров Олимджон Иззатовичга маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун ажратилаётган 1200 кв.метр ер майдониغا нисбатан ҳаракатдаги қонунлар асосида солиқлар миқдорини белгилаш ҳамда ундирилишини назорат қилиш топширилсин.

1006

6. Шаҳар ҳокимлиги “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (У.Туропов)га, танланаётган ер майдонини “Ер Кодекси”нинг 23-моддаси 5-бандига асосан ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳамда ер ҳисоботига тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими



Ш.Ж.Раҳмонов.